

ХАБАРЛАР

Raytheon Украинада: ҳамкорликни интиқлик билан кутяпмиз

4 дақиқа аввал



Украина президенти Владимир Зеленский АҚШ Raytheon ширкати вакиллари билан, 23 июль, 2026

Украина президенти Владимир Зеленский АҚШнинг аэрокосмик ва муҳофаа компанияси Raytheon Patriot ракета-тутқичларни бирга ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қизиқиш билдирганини айтди.

Зеленскийнинг айтишича, Raytheon вице-президенти Жозеф ДеАнтонна бошчилигидаги делегация билан бўлиб ўтган музокараларда «ҳужумкор бўлмаган ҳарбий жиҳозларга оид ҳамкорликнинг бошқа йўналишлари» ҳам муҳокама қилинган.

- Сизлар ва буюк компаниянгиизнинг барча ходимларидан жуда миннатдормиз. Биз бу ташрифдан, президент Трампдан ва Америка Қўшма Штатлари халқи қўллаб-қувватловидан миннатдормиз. Биз бундай ажойиб муносабатларга эга эканимиздан фахрланамиз ва олдинга янада силжий олишимизга умид қиламан, - деди Украина президенти.

Шу ой Туркияда бўлиб ўтган НАТО саммити чоғида АҚШ президенти Дональд Трамп Вашингтон Украинага Patriot ракета-тутқичларни ишлаб чиқариш лицензиясини беришини айтган эди.

- Raytheon ва RTXни тамсил қилувчи жамоа учун бу сафар ниҳоятда самарали бўлди. Биз Украина халқи ва Украина ҳарбийлари учун ер усти ҳаво мудофааси имкониятларини янада ривожлантириш имкониятларидан жуда мамнунмиз. Шунингдек, Украина учун зарур мудофаа воситаларини тақдим этишни давом эттириш мақсадида сиз, ҳукуматимиз ва АҚШ ҳукумати билан ҳамкорлик қилишни интиқлик билан кутмоқдамиз, - деди Raytheon компанияси вице-президенти.

Украина узоқ вақтдан бери Россиянинг баллистик ракеталарини уриб тушириш учун ҳаво ҳужумидан мудофаа захирасини кўпайтириш борасида Ғарбдаги ҳамкорларидан ёрдам сўраб келмоқда ҳамда лицензия олиш бўйича келишувга эришишга интилмоқда.